

12-10-2019

POLYFUNCTIONALITY, AS A SPECIALTY CHARACTERISTIC OF PEOPLE'S RECEPTIONS

M. Yu. Aytboev

NUU is an independent researcher

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Aytboev, M. Yu. (2019) "POLYFUNCTIONALITY, AS A SPECIALTY CHARACTERISTIC OF PEOPLE'S RECEPTIONS," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 12 , Article 18.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss12/18>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

POLYFUNCTIONALITY, AS A SPECIALTY CHARACTERISTIC OF PEOPLE'S RECEPTIONS

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2019 йил 12 сон

ПОЛИФУНКЦИОНАЛЛИК ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТИ СИФАТИДА

Айтбоев М.Ю.

ЎЗМУ мустақил изланувчиси

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда шаклланган халқ қабулхоналари институтининг функционал хусусиятлари социологик тадқиқотлар асосида таҳлил этилган. Унинг ижтимоий масалаларни ҳал қилишдаги роли ёритилади.

Калит сўзлар: халқ қабулхоналари, демократия, жамоатчилик назорати, мурожаат, маънавий-ахлоқий фазилатлар, санъат, дунёқараш, сиёсий партия, демократик институт.

ПОЛИФУНКЦИОНАЛЬНОСТЬ, КАК ХАРАКТЕРНАЯ ОСОБЕННОСТЬ НАРОДНЫХ ПРИЁМНЫХ

Айтбоев М.Ю.

НУУ независимый исследователь

Аннотация: В статье проанализированы, на основе социологических исследований, функциональные особенности института народных приёмных, освещена их роль в решении социальных задач в Узбекистане.

Ключевые слова: народные приёмные, демократия, общественный контроль, обращение, духовно-нравственные качества, искусство, мировоззрение, политическая партия, демократический институт.

POLYFUNCTIONALITY, AS A SPECIALTY CHARACTERISTIC OF PEOPLE'S RECEPTIONS

Aytboev M.Yu.

NUU is an independent researcher

Abstract: The article analyzes, on the basis of sociological research, the functional features of the institute of national adoptive, highlighted their role in solving social problems in Uzbekistan.

Key words: foster adoptees, democracy, public control, appeal, spiritual and moral qualities, art, world outlook, political party, democratic institution.

Халқ қабулхоналари фаолияти кўлами ва функцияларини аҳолидан тушган мурожаатлар белгилайди. Уларнинг бажарадиган вазифалари ранг-баранг, полифункционалдир. Полифункционаллик ҳар қандай институт ва ташкилот фаолиятини доим долзарблаштиради, яъни ижтимоий муаммоларга яқинлаштиради. Бундан бирор институт ёки ташкилот тузилган экан, унинг фаолияти ўзидан-ўзи ижтимоий характер касб этади ва долзарблашади, деган содда хулоса чиқармаслик керак. Демократия шароитида ташкил этилган ҳар қандай уюшма ҳам ташкилий-амалий нуқтаи назардан, ҳам ижтимоий вазифаларини

бажариши нуқтаи-назаридан турли муаммолар ва зиддиятларга дуч келади, бу табиий ҳолдир.

Демократия институтлари фаолиятини ҳаракатчан ва самарали қилиш жамоатчилик назорати борасида махсус қонун қабул қилишга етаклади. 2018 йил 12 апрелда қабул қилинган “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун давлат идоралари билан халқ ўртасидаги алоқаларни кенгайтиришга, бошқарув институтларининг фаолиятини жамоатчилик томонидан мудом назорат қилиб боришга имкон беради. Мутахассислар жамоатчилик назоратини “ижтимоий аудит” деб аташади. Қонунда фуқаролар, ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари жамоатчилик назорати субъектлари экани қайд этилган.[1]

Бизнинг фикримизча, мазкур субъектлар қаторига сиёсий партиялар, ижодий ва жамоатчилик ташкилотлари, меҳнат жамоалари ҳам киритилиши лозим. Муҳими шундаки, ижтимоий аудит давлат идораларининг халқ манфаатларига хизмат қилишини таъминлайди, улар фаолияти кенг жамоатчилик томонидан очиқ назорат қилинади, уларнинг ғайриқонуний хатти ҳаракатларни содир этишига йўл қўймайди. Тўғри, бу борада ҳали кўпгина муаммоларни ҳал этиш зарур бўлади. Масалан, жамоатчилик қандай тарзда хусусий корхона устидан назорат ўрнатиши мумкин? Бунда хусусий мулк эгасининг ҳуқуқлари паймол қилинмайдими? Чекланмайдими? Трансмилий корпорацияларнинг ички фаолиятини жамоатчилик қандай назорат қилиши мумкин? Жамоатчилик назорати институти билан Халқ қабулхоналари ўртасида узвий алоқа ўрнатилиши, улар ҳамкорликда фаолият юритиши даркор. Ана шунда жамоатчилик назорати ҳам, Халқ қабулхоналари ҳам самарали, мобил ҳаракат қилади, бир бирини тўлдириб, реал ижтимоий муаммоларни ҳал этишга, кундалик фаолиятини долзарблаштиришга эришади. Айрим жойлардаги Халқ қабулхоналарида бюрократияга, эскича ишлашга, маъмурий бошқаришга мойиллик кузатилади, улар кабинетидан ташқарида нима содир бўлаётгани билан деярли қизиқишмайди. Мазкур салбий иш усулининг илдиз отмаслиги учун жамоатчилик назорати, умуман фуқароларнинг ҳар қандай ташаббуси, уларнинг амалий ечими учун Халқ қабулхоналари зиммасига масъулликни юклаш лозим. Бу Халқ қабулхоналарини жойлардаги аҳволни кузатиб, билиб боришга имкон беради ва мавжуд муаммоларга амалий ечим топишни тезлаштиради.

Халқ қабулхоналари фуқаролар мурожаатлари билан ишловчи институт сифатида шакллантирилган. Унинг бу функцияси ҳозир ҳам сақланиб қолмоқда. Бироқ кейинги йилда Халқ қабулхоналарининг регулятив ва ташкилотчилик функциялари ҳам улар фаолиятининг муҳим хусусиятларига айланганини кўрсатади. Респондентларимизнинг, 37 фоизи Халқ қабулхоналарини давлат идоралари билан фуқаролар ўртасида жонли мулоқотни ташкил этувчи, 16 фоизи давлат идоралари фаолиятини йўлга қўювчи, регуляция қилувчи институт сифатида фаолият юритаётганини таъкидлашади. Мурожаатлар мулоқотсиз, томонлар ўртасида диалогсиз бўлиши мумкин эмас. Бу хусусиятлар Халқ қабулхоналари фаолиятининг полифункционаллашиб, яъни ижтимоий ҳаёт кун тартибига қўяётган

муаммоларга яқинлашиб бораётганини кўрсатади. Энди улар фаолиятини мурожаатларни тинглаш билан чегаралаш мумкин эмас, уларнинг самарали фаолият олиб бориши ана шу ҳаётий муаммоларга мувофиқ ўзини долзарблаштиришига боғлиқдир.

Халқ қабулхоналарида кузатилаётган яна бир функция уларнинг турли ташкилотлар, идоралар ва бошқарув тизимларининг мурожаатларни бажариш жараёнида координациялаштирувидир. Координация функционал яқин бўлган турли тизимларни маълум бир вазифа, мақсад атрофида бирлаштиришни назарда тутди. Бу вазифа, мақсад қисқа муддатли бўлади, улар бажарилгач, координация жараёнида шакллантирилган бошқарув тизими тугатилади. Қисқа муддатга тузилган ёки юзага келган бу тизим ўзининг ҳозиржавоблиги ва тезкорлиги билан бошқаришнинг маъмурий, марказий, институтиционал кўринишларидан фарқ қилади.

Халқ қабулхоналари кўпинча координация бошқарув усулидан фойдаланишади. Респондентларимизнинг 21 фоизи мазкур бошқариш усулини самарали деб билишади, бу, уларнинг фикрича, Халқ қабулхоналарига маҳаллий идоралар билан кенг алоқалар ўрнатишига имкон беради. Бироқ айрим Халқ қабулхоналари ўзининг координация функциясини ҳокимият ёки яна бир икки давлат идораси билан чегаралаб қўйишга интилади. Бу кўпинча ечилиши зарур бўлган муаммоларни ҳокимият зиммасига юклаш бўлиб туюлади. Ҳақиқатан ҳам Халқ қабулхоналарида маҳаллий ҳокимият ходимларининг қабул кунлари ўрнатилган. Фуқаролар шу кунлари келиб ўзининг арзларини билдириши, мурожаатларига жавоблар олиши мумкин. Тушган мурожаатларга қараб, Халқ қабулхоналари тегишли муассасалар раҳбарларини таклиф этади, улар билан мурожаат этувчиларни юзма юз қилади, ўртадаги муаммоларга ечим топишга интилади. Бу муаммолар кўпинча ҳуқуқий характерда бўлгани учун Халқ қабулхоналарида мутахассислар қабуллари уюштирилади. Ҳар бир мурожаат расмийлаштирилади ва унга берилган жавоблар қайд этилади. Бу мутахассислар ва уларга мос бўлимлар ҳар бир ҳудудда турличадир. Масалан, Тошкент шаҳар Халқ қабулхонасидаги бўлимлар сони еттита, Кибрай тумани Халқ қабулхонасида иккита. Пойтахтда мурожаатлар сони ҳам юқори, улар йилиги 300 мингга яқиндир. Кибрай туманида бу кўрсаткич 11 минг атрофида, шунинг учун ҳам унда бўлим сони иккита.

Халқ қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатларнинг деярли 90 фоизи маҳаллий характерга эга, яъни жойлардаги давлат идораларининг функцияларига оид масалалардир. Бироқ фуқароларимиз маҳаллий давлат органларидан кўра кўпроқ Президент Виртуал қабулхонасига кўпроқ ишониши кузатилади. Айниқса бу ҳол Президент Девони томонидан уюштирилдиган сайёр қабуллар пайтида яққол кўзга ташланади. Масалан, Президент Давлат маслаҳатчиси Т.Худойбергановнинг 2017 йил март ойида Наманган вилоятида ўтказилган сайёр қабуллар пайтида 29 мингдан зиёд мурожаатлар тушган. Уларнинг 90 фоизи асосли топилган ва зарур чора тадбирлар кўрилган. “Сўнгги пайтларда, - дейди Наманган шаҳар Халқ қабулхонаси мудири Б.Каримов, - давлат органларининг халқ олдидagi ҳисобдорлиги ошиши ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда. Буни бутунги

сайёр қабул давомида шахримизда истиқомат қилаётган 500 дан ортиқ фуқаронинг мурожаатларида кўтарилган муаммолар ўз ечимини топгани мисолида яққол кўриш мумкин. Хусусан, тадбир давомида 22 нафар ҳамшахримизнинг уй-жой, моддий ёрдам, бандлик, пенсия ва нафақа таъминоти, тиббиёт соҳаларига тааллуқли мурожаатларини жойида ҳал этишга муваффақ бўлинди. Масалан, Наманганлик Аҳмаджон Мамашарипов ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун қураётган бино маълум сабабларга кўра бузиб ташланган ва бу муаммо узоқ вақтдан буён тадбиркорни қийнабкелаётган экан. Сайёр қабул чоғида А.Мамашариповга “ноль” қийматида кўчмас мулк ажратиш вазифаси шаҳар ҳокимлиги зиммасига юклатилди. Асоссиз равишда вазифасидан бўшатишган Муҳаббат Дадахонованинг мурожаати ҳам қонуний кўриб чиқилиб, бунинг натижасида у меҳнат фаолиятини яна ички ишлар идораларига қарашли госпиталда давом эттирадиган бўлди”. [2]

Яна бир мисол. Президент Виртуал қабулхонасига 2017 йилнинг дастлабки уч ойи ичида Тошкент шаҳридан 140 мингдан ортиқ ариза ва шикоятлар тушган. Бу давлатимиз раҳбарини безовта қилган белги эди, албатта. Мурожаатларнинг ўндан бири, яъни 14 минг 638 таси Шайхонтохур туманига тўғри келади. Уларнинг аксарияти уй жой олиш, ер ажратиш, уй жойларни таъмирлаш, судларда ишларнинг кўрилиши ва суд қарорларининг ижро этилиши, банк молия, тиббий хизмат, пенсия таъминоти, моддий ёрдамлар кўрсатиш, таълим тарбия муассасалари ҳақидадир. Ўтказилган сайёр қабул пайтида кўпчилик муаммоларни жойида ҳал этиш мумкинлиги, аммо улар билан маҳаллий идоралар вақтида шуғулланмаслиги аниқланди. [2]

Идоралараро сансалорлик, бефарқлик, фуқаролар ҳуқуқларини менсимаслик каби салбий ҳоллар ўтган ўн йилликларда тинмай кўкларга кўтарилган “инсонпарвар демократик жамият” да қанчалик чуқур иддиз отганини кўрсатадики, бу иллатлардан бирданига қутулишнинг имкони йўқ. Респондентларимизнинг 22 фоизи Халқ қабулхоналарига уч марта, 11 фоизи икки марта мурожаат этганларини кўрсатишади. Бир марта мурожаат қилганида муаммосига қониқарли жавоб олганлар Тошкент вилоятида 7 фоиз, Хоразм вилоятида 12 фоиз, Қашқадарё вилоятида 6 фоиз ва Наманган вилоятида 18 фоизни ташкил этади. Демак, респондентларнинг учдан бири жойлардаги Халқ қабулхоналарига қайта қайта мурожаат этишга мажбур бўлишган. Аммо бу субъектив фикрлар Халқ қабулхоналари ҳисоботларига мувофиқ келмайди. Мазкур ҳисоботларда мурожаатларнинг деярли 90-95 фоизи ҳал этилгани, уларга қониқарли жавоблар берилгани келтирилади. Демак, респондентлар ўз мурожаатларини мутлақлаштириш, юқори баҳолаш орқали Халқ қабулхоналари фаолиятини янада фаолаштириш, долзарблаштириш зарурлигини таъкидламоқчи. Бунда ҳеч қандай ғайриқонунийлик ёки эгоистик манфаат йўқ, инсонга мудом ўз хоҳиш ва истакларини бўрттириб кўрсатиш хос. Балки, ушбу истакларга Халқ қабулхоналари фаолиятини, нафақат улар, шунингдек, барча институтлар, муассасалар ва тизимлар фаолиятини ҳам, такомиллаштириш омили сифатида қараш даркор.

Халқ қабулхоналари мудирлари ва ходимлари шунчаки одоб-ахлоқли эмас, балки ибратли маънавий хислатларга эга бўлиши зарур. Бир респондентимизнинг

ибораси билан айтганда “улардан қалбингни кўтарадиган нур таралиб туриши зарур”. Ҳар куни кишиларнинг арзини, додини эшитаверадиган, гоҳо ўзаро низолар ўртасида адвокатлик қилишга мажбур ходимларларда совуққонлик, мурожаатларга юзаки ёндашиш, гоҳо оддий салом аликка ҳам вақт, журъат топмаслик каби хислатлар шаклланиб қолади. Чўрткесарлик, мурожаатчининг дардига қулоқ солиш ўрнига, қандайдир расмий кўрсатмаларни, қарорларни рўқач қилиш, бир оғиз ширин сўз ва ҳол аҳвол сўраб муаммони силлиқ ҳал қилиш ўрнига беписандлик бундай шахслар фаолиятига, иш усулига айланади. Махсус тадқиқотлар кўрсатадики, ижтимоий муносабатлар мураккаблашган жамиятда кишилар ўз дардини эшитиладиган суҳбатдошларга кўпроқ муҳтож бўладилар, уларни юзага келган муаммолар эмас, балки кўпинча ушбу муаммолар билан дардлашадиган ҳамфикр, ҳамдард йўқлиги изтиробга солади. Ҳамма ўзи билан ўзи банд, ҳатто хонадонида яшаётган яқинлари ҳам ундан ҳол аҳвол сўрашга вақт тополмайди. Мазкур психологик синдром кишини депрессияга етаклайди, унда ён-атрофидан бегоналашувни кучайтиради.[3]

References:

1. O'zbekiston Respublikasining qonuni. "Jamoatchilik nazorati to'g'risida" // Xalq so'zi, 2018, 13 aprel.
2. "Odamlarning qonuniy murojaatlarini hal etish ustuvor vazifa" // Xalq so'zi, 2017, 30 mart.
3. Solomon E. Demon poludennyu. Anomiya depressii.-Moskva: "Dobraya kniga", 2004. S.18, 32.

МУНДАРИЖА

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ

01.00.00

ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИЕ НАУКИ

PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES

- 1 Visual c# da razryadli operatsiyalar.
Temirov O.M..... 3
- 2 Java dasturlash tilida abstrakt sinflar
Holmirzayev H.E..... 6
- 3 Ўнг томони номаълум ва коэффициенти узулишга эга бўлган биринчи тартибли
чизиқли оддий дифференциал тенглама учун масалалар
Тиллабаева Г.И..... 10
- 4 Matematika darslarida muammoli ta'lim
Alixanov O.O..... 15
- 5 О некоторых задачах теории одномерной бифуркации
Тухтасинов М,Кушақов Х.Ш 20

КИМЁ ФАНЛАРИ

02.00.00

ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ

CHEMICAL SCIENCES

- 6 Карбоксиметилцеллюлоза: олиниши, айрим физик – кимёвий хоссалари,
ишлатилиши (обзор)
Сайпиев Т.С..... 27
- 7 N-vinilpirrolidon asosida suvda eruvchan sopolimerlar sintez qilish va ular
makromolekulalarining kompozitsion tuzilishini o'rganish
Toshmatov Y.R., Dexqonov R.S.,Boydedayev. A.A..... 39

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

03.00.00

БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ

BIOLOGICAL SCIENCES

- 8 Far1 Related Sequence (FRS) генлар оиласининг вакили frs10 гени g.hirsutum
туридаги функцияси ринки технологияси ёрдамида ўрганиш.
Усманов Д.Э, Буриев З.Т, Абдукаримов Ш.С, Собиров Б.М, Мухторов А. Т..... 46
- 9 Кўхитанг тизмаси флораси таркибидаги ziziphora l. туркуми турларининг
биоэкологияси
Ибрагимов А.Ж,Батошов А.Р,Каримов Б.А,Мирзаев С.И 50

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ

05.00.00

ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ

TECHNICAL SCIENCES

- 10 Интернет самарали коммуникация канали сифатида
Бекназаров К.Т..... 54

ТАРИХ ФАНЛАРИ

07.00.00

ИСТОРИЧЕСКИЕ НАУКИ

HISTORICAL SCIENCES

11	XX asrning 60-80-yillarida namangan viloyati xalq ta'limi tizimi: muammolar va yutuqlar Mamasaidov L. P.....	60
	ФАЛСАФА ФАНЛАРИ	
	09.00.00 ФИЛОСОФКИЕ НАУКИ	
	PHILOSOPHICAL SCIENCES	
12	Tarixiy taraqqiyotda ayollarning o'rnini Mamatov O.V.....	64
13	Миллий байрамларда санъат турларининг ифодаси Шадиметова Г.М.....	67
14	Замонавий санъатларда янги эстетик мезонларнинг вужудга келиши Кадирова Д.С.....	72
15	Мақом куйларининг фалсафий-эстетик моҳияти Нуруллаева З.С.....	78
16	Ахборот медиамаданияти трансформацияси ва глобаллашуви Кодиров Н.М.....	83
17	Ренессанс даври мутафаккирлари оилавий муносабатларда поклик ва гўзаллик ҳақида Хандамова М.....	93
18	Полифункционаллик халқ қабулхоналарининг ўзига хос хусусияти сифатида Айтбоев М.Ю.....	99
19	Оиланинг жамиятдаги роли ва ижтимоий функциялари Абдуллаева Н.....	103
20	Инновация фалсафасининг ижтимоий функционал хусусиятлари Ходжаев С.Б.....	108
21	Боҳарзий ва унинг вақф ерлари Норова М.Ф.....	113
22	Туркистон “Янги усул” мактабларида таълим жараёнининг ташкил этилиши ва ундаги гендер муаммолари Намазова Ю.М.....	121
23	Аҳмад Заки Валидийнинг тарих фалсафаси Хужаев М.И.....	126
	ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	
	10.00.00 ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ	
	PHILOLOGICAL SCIENCES	
24	The Role of stylistics in linguistics and literature Umrzaqov I. I.....	133
	Девону Луғотит Турк” асарида қўлланган шахс номлари гуруҳига оид	
25	лексемаларнинг семантик хусусиятлари Розикова Г.З.....	136
26	О‘zbek tiliga o‘zlashgan arabcha leksemalar va ularning badiiy asarlarda qo‘llanilishi Rahmatullayev.Y.....	142
27	Замонавий таълим тизимида касбий компетентликни модуллаштиришмоҳияти	

Абдиева С.М.....	146
28 Qo'shma gaplarda shakl va mazmun Ahmedova N.Sh.....	151
29 Краткий обзор по историю изучения терминов родства в узбекских и английских языках Каримова В.....	156
30 O'zbek adabiy tili uslublarining shakllanishi Vabaxanova D.A.....	163
31 Йўл мотиви ҳақида Қўчқаров О.....	169
32 Жаҳон тилшунослигида диний функционал услубнинг ўрганилиши Юсупова Ш.Т.....	173
33 Жек лондоннинг исёнчи асаридаги воқеаликни тасвирлаш хусусиятлари Najmiddinov J, Bahodirov A.....	179
34 Johann Wolfgang Gytoring "Yosh Verterning iztiroblari" romanida poetonimlar talqini Vozorova R.Sh.....	182
35 "Алпомиш" библионими ва бош тимсол исми, лақаби хусусида Улуқов Н, Юнусова Б.....	186
36 Наманган қипчоқ шевалари ва этнослараро жараёнлар Дарвишов И.Ў.....	190
37 Grammatik ko'rsatkichlarning o'zlashtirilishida aniqlik darajasi (O'zbek tilini o'rganayotgan koreyslar misolida) Saidaxmedova O.I.....	197
38 Перевод понятий означающие национальных конвенций, традиций и обряд Самандаров . Ш.С.....	202
39 Принцип вежливости в речевом общении. Саидова М.Ш, Холматова Г.И.....	205
40 Адабиёт ва прагматика Раҳимов У.Э, Махаммаджлонов Н.Д.....	209
41 Хикматли сўзлар таржимасида қофияни сақлаш Абдуллажанов А, Мамадалиев Э.....	214

ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ
11.00.00 ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ НАУКИ
GEOGRAPHICAL SCIENCES

42 Фарғона водийси дарёлари оқимининг иқлим илишига реакцияси Солиев И.Р., Ғулумжонов Д.....	219
---	-----

13.00.00 ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PEDAGOGICAL SCIENCES

43 Готовность будищих педогогов как основной фактор успешности инклюзивного образования Сатторов М, А.....	225
---	-----

44	Педагогик стратегия - олий таълим муассасаси битирувчисининг рақобатбардошлигини шакллантиришнинг концептуал асоси Эргашев Б.Б.....	229
45	Таълимда ахборот коммуникацион технологияларидан фойдаланиш афзалликлари Ниязова Н.А.....	234
46	Олий таълим муассасалари ўқув-тарбия жараёнида фанларичра ва фанлараро интеграциясини таъминлашнинг педагогик-психологик масалалари Жуманов А.А.....	237
47	Мактабгача таълим ташкилотларини инновацион ривожлантириш муаммолари Абдуназарова Н.Ф, Хамдамова М.Т, Парманов Ж.А.....	242
48	Физика ўқитувчиларининг таълимга инновацион ёндашуви Бекназаров З.Ф.....	245
49	Тухника йўналишиндаги мутахассис компетентлигининг модели Даминов О.О.....	250
50	Олий таълим муассасаларида замонавий инновацион технологияларини қўллашнинг ўзига хослиги ва хусусиятлари Исмаилова З.К, Химматалиев Д.О.....	257
51	To actual directions of development of export of fruit and vegetable products in Uzbekistan Avulchaeva F.....	261
52	The significance of cultural awareness in second language learners' classroom Umirzakova D.A.....	264
53	Boshlang'ich sinf o'quvchilarini kommunikativ kompetensiyasini shakllantirish yo'llari Jo'rayeva T.U, Shamirova Y.K	268
54	Role of peer observation in foreign language teaching Jalolov Sherali, Botirova Z.X.....	274
55	Ingliz tilni o'rgatishda mnemonik usullardan foydalanish Yunusova Y.B.....	278
56	Талаба ёшлар соғлом турмуш тарзини шакллантириш масаласига қадрият сифатида қарашни тарбиялаш муаммолари Назаров А.Т.....	281
57	“Олий таълим муассасалари ўқув–жисмоний машғулотлар жараёнини ташкиллаштиришда blended learning концепциясидан фойдаланиш орқали таълим сифатини ошириш” Махкамов А.Ю.....	284
58	Ўқувчиларнинг геометриядан ўқув фаолиятини фузионизм ғояси асосида такомиллаштириш йўллари Ғойибназарова Г.Н, Джураева Ш.К.....	288
59	Мактабгача таълим муассасаларини сифат жиҳатдан такомиллаштириш Ибрагимова Г.Н.....	293
60	8-синф физика курсининг “электр заряд. электр майдон” бобини ўқитиш Зоҳидов И.О, Каримова Р.К, Умаров А.О.....	298

61	Таркибида сирт фаол модда тутган учкарбамид хлорат натрий дефолиантини олиш жараёнини ўрганиш Умиров Ф.Э, Худойбердиев Ф.И, Номозова Г.Р, Закиров Б.С.....	303
62	Ижтимоий-эмоционал кўникмалар шаклланишининг педагогик-психологик омиллари Раҳимова М.А.....	311
63	Ҳамкорлик педагогикасининг узлуксиз таълим тизимидаги инсонпарварлашув хусусиятлари Ўринова Ф.Ў, Усмонова Ш.Ё.....	317
64	Чақириққача ҳарбий таълим бўйича мутахассисларни шакллантиришнинг долзарб масалалари Хасанов А.Т, Юсупов Т.Т.....	323
65	Мобиллик-олий педагогик таълимни модернизация қилиш сифатида Эшназарова М.Ю.....	327
66	Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларида касбий муҳим сифатларни шакллантириш педагогик жиҳатлари Қодиров М.М.....	332
67	Бошланғич таълимда прагматик ёндашув асосида матн ўқишнинг ўзига хос хусусиятлари Йўлдашева Д, Буважонова М.....	338
68	Бошланғич таълимда интеграциялашган ўқитишнинг аҳамияти Рустамова Д.....	341
69	Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни нутқ маданиятини шакллантиришда китоб ва унинг аҳамияти Ўринова Ф, Сидикова З.....	344
70	Технология использование метода кейс-стади при изучении компьютерной графики. Отабаева Ф.Т.....	348
71	Pedagogik tajribalarni to'plash va ommalashtirish tizimi Mo'minova G, Insarova G,.....	355
72	Талабаларнинг мустақил таълим фаолиятини ривожлантириш- ўқув жараёнининг асоси Мўминов З.О.....	359
73	Innovatsiya ta'limning muhim elementidir. Madaminov F.Sh.....	367
74	Intellectual kompyuter o'yinlari yordamida individual matematik ta'limni yo'lga qo'yish Najmiddinova . N.Y.....	373
75	Футболчиларни эмоционал ҳолатларини аниқлашнинг методик хусусиятлари Сатиев Ш.К	378
76	Бўлажак ўқитувчиларнинг мустақил фикрлаш маданиятини ривожлантириш моделини такомиллаштириш. Қамбаров М.М	384

77	Содержание и структура учебников по методике обучения языкам Габдулхаков Фарид Ахунович.....	391
	ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ PSYCHOLOGICAL SCIENCES	
	19.00.00	
78	Оилада болаларнинг ижтимоий- ахлоқий сифатларини шакллантириш омиллари Ортиқова З.Н.....	395
	СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ СОЦИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ SOCIOLOGICAL SCIENCES	
	22.00.00	
79	Маънавий тарбия ва тарихий онг Махкамов Қ.О.....	398